

**“Шахрисабз вино-арок” акциядорлик жамияти акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилиши
2-сонли БАЁННОМАСИ**

20.08.2018 йил, соат 11-00

*Қашиқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳри,
“Ипак йўли” кўчаси, 170-уй, жамият
мажлислар зали*

Марказий депозитарий томонидан 14.08.2018 йил ҳолатига ёпилган жамият акциядорларининг реестрига кўра, “Шахрисабз вино-арок” АЖнинг 943 030 дона овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялари мавжуд бўлиб, улар 237 та акциядорларнинг улушини ташкил этади.

Мажлисда катнашганлар: Реестр бўйича 889 470 дона акцияларнинг эгалари бўлган 25 та акциядорлар:

- “Ўзшаробсаноат” АЖ номидан 10.05.2018 йилдаги №ОМ-01-12/1370-сонли ишончнома асосида З.З.Якубов – 481 000 дона ёки 51,01 фоиз акция эгаси;

- “TRESTON HOLDINGS L.L.C.” компанияси номидан вакили А.Хачатурян (Паспорт №АА5596407 берилган вақти 01.06.2014 йил) 25.01.2018 йилда берилган ишончномага асосан – 355 870 дона ёки 37,74 фоиз акция эгаси;

- “Китоб агрофирма” номидан Бурхонов Зариф – 11 920 дона ёки 1,26 фоиз акция эгаси;

- 22 та жисмоний шахслар – 42 960 дона ёки 4,55 фоиз акция эгалари.

Таклиф этилганлар:

Жамият бошқарув раиси С.Рузиев ва бошқарув аъзолари, жамият ишчи ва ходимлари (рўйхат бўйича).

Ташкилий масалалар: Санок комиссияси раиси А.Худойкулов мажлиснинг очилиши олдидан 889 470 та овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатдан ўтганлигини ва кворум 94,56%ни ташкил этишини таъкидлаб, мажлис ўтказилиши ҳуқуқий деб ҳисобланиб, мажлисни очик деб эълон қилди.

Шундан сўнг, кузатув кенгаши раиси З.Якубов йиғилиш ишчи президиумини сайлаб олиш таклифини киритди ва жамиятнинг бизнесни ривожлантириш, стратегик режалаштириш бўлими бошлиги Д.Озодова йиғилиш ишчи президиуми икки кишидан иборатлигини таъкидлаб, қўйидаги номзодларни таклиф этди:

1. Якубов З.З.- “Ўзшаробсаноат” АЖ бўлим бошлиги, кузатув кенгаши раиси;

2. Рузиев С.Ж. – Жамият бошқарув раиси;

Мажлис раиси этиб З.З.Якубовни, котиб этиб Р.Шариповни сайлаш, мажлисда кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш, овоз бериш тартиби бюллетенлар орқали ўтказилиши таклифи берилди.

Ушбу таклиф йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси З.З.Якубов сўзга чиқиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ўқиб эшиттирди.

Мажлис регламенти қўйидагича:

Кун тартибидаги хар бир масала бўйича 5 дақиқадан, муҳокамага 4-5 дақиқадан вақт ажратишни ва йиғилишни танаффуссиз якунлашни таклиф этди;

Савол ва жавоблар – 5 дақиқадан;

Овозга қўйиш ва овоз бериш учун – 5 дақиқа;

Йиғилиш учун ажратилган вақт танаффуссиз 60 дақиқа оралигида;

Бериладиган саволлар ёзма ёки оғзаки берилиши мумкинлигини эслатиб ўтди.

Кун тартиби:

1. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш;
2. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш;
3. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ уставига ўзгартиришлар киритиш;
4. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ бошқарув раиси С.Рузиев билан тузилган меҳнат шартномасини муддатидан аввал бекор қилиш, Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчисини тайинлаш, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ-4720-сонли Фармониغا асосан хорижий менеджерни жалб қилиш.

1. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш.

Кун тартибидаги **1-масала** юзасидан жамиятнинг кузатув кенгаши раиси З.З.Якубов сўзга чиқиб, Давлат активларини бошқариш маркази номида бўлган 381 720 дона ёки 40,48 фоиз акциялар суд қарори билан фуқоро Mansurova Muxayyo Kaxramanovna ва “TRESTON HOLDINGS L.L.C.” компаниясига қайтганлиги сабабли янги акциядорнинг талабига биноан “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини сайлаш масаласи кун тартибига киритилган.

“Шахрисабз вино-ароқ” АЖнинг навбатдан ташқари умумий йигилишига акциядорлар томонидан кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар юзасидан тавсиялар ва таклифлар келиб тушганлиги тўғрисида таъкидлаб ўтди.

“Ўзшаробсаноат” АЖнинг 10.08.2018 йилдаги ТУ-02-15/2486-1-сонли хати билан (*хат илова қилинади*) кузатув кенгаши таркибига Алимов Ойбек ўрнига “Ўзшаробсаноат” АЖ бўлим бошлиги вазифасини вақтинча бажарувчи Ата-Мирзаев Шерзод Озодович номзоди тавсия қилинган.

“TRESTON HOLDINGS L.L.C.” компаниясининг 02.08.2018 йилдаги 02-ХК/08-сонли хати билан (*хат илова қилинади*) кузатув кенгаши таркибига қўйидаги номзодлар тавсия этилган:

1. Атаева Лайло Махмудовна – “Treston Holdings LLC” компанияси вакили;
2. Каримов Турсун Махмудович – “Treston Holdings LLC” компанияси вакили, “Чарос-Малика” ХК тижорат агрофирмаси раҳбари;
3. Ядгарходжаев Сайдамин Сайфуллаевич – “Treston Holdings LLC” компанияси вакили, “UNITECH” МЧЖ ҚК бош директори.

Шундан сўнг, кузатув кенгаши аъзолигига қўйилган номзодлар тўғрисида қисқача маълумотлар берилди.

Йигилиш раиси овоз бериш бюллетенига номлари кўрсатилган номзодлар жамият кузатув кенгаши таркибига кумулятив овоз бериш асосида сайланиши тўғрисида акциядорларга яна бир бор эслатиб ўтди.

Йигилиш раиси З.З.Якубов йигилиш кун тартибида кўрилган масала юзасидан йигилиш катнашчиларидан бюллетенлар орқали кумулятив тартибда овоз беришларини сўради.

№	Номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Иш жойи	Номзодга берилган овозлар сони
1	Якубов Зоид Зокирович	“Ўзшаробсаноат” АЖнинг сафарбар-лик ва махсус ишлар бўлими бошлиги	809 790
2	Казаков Тулкинбек Давлатович	“Ўзшаробсаноат” АЖнинг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ва ижро назорати бўлими бошлиги	804 940

3	Ата-Мирзаев Шерзод Озодович	“Ўзшаробсаноат” АЖнинг қимматли қозғаларни бошқариш ва корпоратив менежмент бўлими бошлиғи	804940
4	Атаева Лайло Махмудовна	“Treston Holdings LLC” компанияси вакили	0
5	Каримов Турсун Махмудович	“Treston Holdings LLC” компанияси вакили, “Чарос-Малика” ХК тижорат агрофирмаси раҳбари	956 990
6	Ядгарходжаев Сайдамин Сайфуллаевич	“Treston Holdings LLC” компанияси вакили, “UNITECH” МЧЖ ҚҚ бош директори	956 990

2. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

Кун тартибидаги 2-масаласи юзасидан йигилиш раиси З.З.Якубов сўзга чиқиб, “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ жамият тафтиш комиссиясига акциядорлар томонидан қўйидаги номзодлар тавсия этилганлигини йигилиш қатнашчиларига таништирди ва акциядорлар томонидан овоз бериш таклифини киритди.

“Ўзшаробсаноат” АЖнинг 10.08.2018 йилдаги ТУ-02-15/2486-1-сонли хати билан тафтиш комиссияси таркибига (хат илова қилинади) У.Туракулов ўрнига Жураев Рустамжон Мухамедович.

“TRESTON HOLDINGS L.L.C.” 02.08.2018 йилдаги 02-ХК/08-сонли хати билан (хат илова қилинади) тафтиш комиссияси таркибига Тошев Санжар Саматович ва Разыкова Шахноза Заиджановналар номзоди тавсия қилинган.

Йигилиш раиси З.З.Якубов кун тартибидаги масала юзасидан йигилиш қатнашчиларидан бюллетенлар орқали умумий тартибда овоз беришларини сўради.

№	Номзоднинг Ф.И.О.	Иш жойи	Номзодга берилган овозлар сони
1.	Жураев Рустамжон Мухамедович	“Ўзшаробсаноат” АЖ бўлим бошлиғи ўринбосари	498 600
2.	Халдарбекова Маъмура Махмудовна	“Ўзшаробсаноат” АЖ бош мутахасиси	498 600
3.	Тошев Санжар Саматович	Қашқадарё вилояти қимматли қозғалар бошқармаси бошлиғи	498 040
4.	Разыкова Шахноза Заиджановна	“Treston Holdings LLC” компанияси вакили	376 230

3. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг уставига ўзгартиришлар киритиш.

Кун тартибидаги 3-масала юзасидан “Treston Holdings LLC” компанияси вакили Ядгарходжаев Сайдамин Сайфуллаевич, сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-боб, 59-моддасининг 2-хатбошига асосан жамиятнинг 13.01.2017 йил Шаҳрисабз туман, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш “Ягона дарча” бўлиmidан №10491-рақам билан рўйхатдан ўтказилган жамият уставининг бир нечта бандларига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозимлигини таъкидлаб ўтди ва ўзгартиришлар матни билан йигилиш қатнашчиларини таништирди.

“Treston Holdings LLC” компанияси томонидан “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ уставига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифи қўйидагича:

№	Амалдаги тахрир	“Treston Holdings LLC” компанияси таклиф этилаётган тахрир	“Treston Holdings LLC” компанияси асоси
1.	56. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар кўрилади; “Жамиятнинг ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш;	56. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар кўрилади; Мазкур банд бекор қилинсин;	“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги Қонуни
2.	67. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига: Етинчи хат боши “жамиятнинг ижроия органи аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;	67. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига: Етинчи хат боши қуйидагича ўқилсин “жамиятнинг ижроия органи аъзоларининг ва раисини, ваколатларини муддатидан илгари тугатиш”; Ўттинччи хат боши “жамиятнинг ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш”.	“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги Қонуни
3.	73. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳолатлар қўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг қўчилик овози қабул қилинади.	73. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳолатлар қўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг энг камида 75 фоиз овоз билан овози қабул қилинади.	“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги Қонуни
4.	81.Бошқарув аъзолари кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади). Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият кузатув Кенгаши раиси имзолайди. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномани жамият бошқарув раиси имзолайди.	81.Бошқарув раиси ва аъзолари кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади). Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият кузатув Кенгаши раиси имзолайди. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномани жамият бошқарув раиси имзолайди.	“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги Қонуни

“Treston Holdings LLC” компанияси томонидан “Шаҳрисабз вино-арок” АЖ уставига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифи юзасидан қуйидагилар маълум қилинади.

1-таклиф бўйича:

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги Қонунининг:

59-моддаси 10-хатбошига мувофиқ, жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киритилган;

59-моддаси 26-хатбошига мувофиқ, жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш кузатув кенгаши ваколатига берилиши мумкин;

75-моддаси 9-хатбошига мувофиқ, жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, агар жамият уставига кўра бундай ҳуқуқ жамият кузатув кенгашига берилган бўлса кузатув кенгаши ваколатига берилиши мумкин.

Қонуннинг 58-моддаси 4-хат бошига мувофиқ, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин б(олти) ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг директори, ижроия органининг аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилиши белгиланган.

Қонун ҳужжатларида бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилишни кузатув кенгашига бериш бўйича мажбурий талаб ёки меъёр мавжуд эмас.

Шунга кўра, жамиятнинг йирик акциядори (51%) “Ўзшаробсаноат” АЖ бўлганлиги сабабли бошқарув раисини тайинлаш ва ишдан озод этиш масалаларини акциядорлар умумий йиғилиши ваколатида қолдириш мақсадга мувофиқ.

2-таклиф бўйича: 1-таклифнинг давоми бўлгани учун ушбу бандни ҳам қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

3-таклиф бўйича: “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги Қонунининг 78- моддаси 4-хатбошига мувофиқ, жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи ушбу Қонунда, жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Энг камида 75 % овоз билан қарор қабул қилиш нормаси ҳеч бир қонун ҳужжатида мавжуд эмас ва ушбу таклиф асосланмаган.

Қонун талабларидан келиб чиқиб, жамият низомининг ушбу бандга ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ эмас.

4-таклиф бўйича: 1-таклифнинг давоми бўлгани учун ушбу бандни ҳам қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Таклифлар жамият акциядорлари ўртасида муҳокама қилиниб овозга қўйилди.

Овоз бериш натижаларига кўра: “Тарафдор” – 376 940 та овоз; “Қарши” – 483 160 та овоз; “Бетараф” – 270 та овоз.

4. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ бошқарув раиси С.Рузиев билан тузилган меҳнат шартномасини муддатидан аввал бекор қилиш, Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчисини тайинлаш, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ-4720-сонли Фармонига асосан хорижий менежерни жалб қилиш.

Қонун тартибидаги 4-масала юзасидан йиғилиш раиси З.Якубов сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг 2018 йил 10 август куни бўлиб ўтган йиғилишида кузатув кенгаши аъзолари бир овоздан бугунги кунда жамият бошқарув раиси лавозимида ишлаб келаётган Рузиев Содик Жалоловични жамият бошқарув раиси лавозимида қолдириш таклифини киритишганлигини таъкидлаб жамият бошқарув раиси лавозимида ишлаб келаётган С.Рузиев ишлаган даврида ўзини ҳар томонлама кўрсатганлигини жамият С.Рузиев раҳбарлиги остида бир қатор ютуқларга эришганлигини, жумладан, ўтган 2016 йилни жамият 4 480 663, 0 минг сўм соф фойда билан якунлаганлигини, 2017 йилда жамиятнинг соф фойдаси 6 077 560,4 минг сўмни ташкил этганлигини билдирди.

Жамият мазкур йилда моддий техника базасини яхшилаш мақсадида 1 дона “ИСУЗЕ” русумли автотранспорт воситаси ва МТЗ 80.2 русумли Беларус тракторини сотиб олганлигини маълум қилди.

Бундан ташқари, жамият акциядорларининг 15.05.2018 йилдаги йиллик умумий йиғилиши қарорига асосан жамият бошқарув раиси Рузиев Содик Жалолович билан тузилган меҳнат шартномаси 2018 йил якуни бўйича 2019 йилда бўлиб ўтадиган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишигача ўзайтирилган.

“Treston Holdings LLC” компаниясининг 10.08.2018 йилдаги 03-ХК/08-сонли хатида эса жамият бошқарув раиси в.в.б. лавозимига Буриев Искандар Уракович номзоди тавсия этилган.

Йиғилиш раиси З.З.Якубов қонун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш қатнашчиларидан бюллетенлар орқали умумий тартибда овоз беришларини сўради.

“Шахрисабз вино-ароқ” АЖ бошқарув раиси С.Рузиев билан тузилган меҳнат шартномасини муддатидан аввал бекор қилиш;

Овоз бериш натижаларига кўра: “Тарафдор” – 373 900 та овоз; “Қарши” – 484 190 та овоз; “Бетараф” – 320 та овоз.

Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси этиб Буриев Искандар Ураковични тайинлаш;

Овоз бериш натижаларига кўра: “Тарафдор” – 373 900 та овоз; “Қарши” – 483 120 та овоз; “Бетараф” – 3 110 та овоз.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ-4720-сонли Фармониغا асосан хорижий менежерни жалб қилиш.

Овоз бериш натижаларига кўра: “Тарафдор” – 860 350 та овоз; “Қарши” – 940 та овоз; “Бетараф” – йўқ.

**“Шаҳрисабз вино-ароқ” акциядорлик жамияти акциядорларининг
умумий йиғилиши қўйидагича
Қ А Р О Р Қ И Л Д И:**

1. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши аъзолари этиб З.З.Якубов, Т.Д.Казаков, Ш.О.Ата-Мирзаев, Т.М.Каримов ва С.С.Ядгархаджаевлар сайлансин.
2. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ тафтиш комиссияси аъзолари этиб Р.М.Жураев, М.М.Холдорбекова ва С.С.Тошевлар сайлансин.
3. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг 13.01.2017 йилда Шаҳрисабз туман, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш “Ягона дарча” бўлиmidан 10491-рақам билан рўйхатдан ўтказилган уставига ўзгартиришлар киритилмасин.
4. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ бошқарув раиси С.Рузиев билан тузилган меҳнат шартномаси муддатидан аввал бекор қилинмасин.

Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси тайинланмасин.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ-4720-сонли Фармониغا асосан хорижий менежер жалб қилинсин.

Шундан сўнг жамият кузатув кенгаши раиси З.З.Якубов жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганлигини ва унда иштирок этган барча йиғилиш қатнашчиларига ўз миннадорчилигини маълум қилиб “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ акциядорларининг умумий йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси



З.З.Якубов

Йиғилиш котиби



Р. Шарипов

Баённома имзоланган сана: 28.08.2018 йил.